

ТОШКЕНТ
ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ИЙЛ ЧИҚИШИ

№ 187 (3925).

24
СЕНТЯБРЬ
СЕШАНБА
1968 ИЙЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЖАҲОН ҚОЙИЛ

Биз совет фани ва техника-сининг янги ғалабасини эш-тиб бениҳон қувондик. Космос аппарати «Зонд-5» Ойга чи-қиб яна Ерга келиб қўниши со-вет фанининг янги мўъжизаси-дир. Бу барча совет кишилари сингари биз колхозчи деҳқон-ларини ҳам хурсанд этди. Бу совет фанининг нимага қодир эканлигини яна бир марта кўрсатиб турибди. Ушбу Вата-нинининг фан соҳасида эриш-ган бундай катта ғалабаларни биз деҳқонларини янги зафар-

Ж. ФАИЗНОВ,
Янгиёул районидagi
«Ленин» колхозининг
механизатори.

ОФАРИН!

Бирон кунимиз йўқки, бирор янгилик билан ишопланмас. Мана, кун кеча яна бир ажо-ий воқеанинг шохиди бўлди. «Зонд-5» автоматик станцияси Ойни айланиб ўтиб, ўз зимма-сига юклатилган ваэифани аъло даражада ўрилатди ва белги-ланган жойга қайтиб тушди. Тўғри, авваллари ҳам Ойга томон бирнеча марта сунъий йўдошлар учирилган. Лекин уларнинг аксарияти белгилан-ган ваэифани бажариб бўлма-ган эди. Атмосферанинг юқо-ри қатламларида ёнб кетар эди. Эндилдики эса «Зонд-5» космик станцияси Ой атрофини айланиб қайтиб, Ҳинд океанига юмшоқ қўнди.

Е. РАШИДОВ,
тарих фанлари доктори.

ТАСС
АХБОРОТИ

ЕР-ОЙ-ЕР КОСМИК ТРАССАСИ ОЧИЛДИ!

«ЗОНД-5» АВТОМАТ СТАНЦИЯСИ ЕРГА ҚАЙТАРИБ ТУШИРИЛДИ

1968 йил 15 сентябрда Совет Иттифоқида «Зонд-5» автомат космик станцияси учирилганлиги илгари ха-бар берилган эди. Станция Ер-Ой-Ер трассаси бўйлаб етти кечаю-етти кундуз учиб юрганидан кейин Ерга қай-тиб тушди.

СОВЕТ КОСМИК АППАРАТИ ОЙ АТРОФИНИ АЙЛАНИБ УТИБ ДУНЕДА БИРИНЧИ МАРТА ИК-КИНЧИ КОСМИК ТЕЗЛИК БИЛАН ОМОН-ЭСОМ ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШДИ ва катта ҳажмдаги илмий ах-борот тўплаб келди.

1968 йил 21 сентябрь Москва вақти билан соат 18 дан 54 минут ўтганда автомат космик станция секунди-га салкам 11 минг метрдан иборат иккинчи космик тез-лик билан Ер атмосферасига кирди ва соат 19 дан 08 минут ўтганда Ҳинд океани акваториясининг ҳисоблаб белгиланган районига сувга қўнди.

Станция жанубий кенгликнинг 32 градус 38 минут ва

шарқий узунлиқнинг 65 градус 33 минут координатлари нуқтасида сувга қўндирилди. Станциянинг атмосферада аэродинамик тормозланиш участкасидаги ҳаракати бал-листик траектория бўйлаб ўтди. Станция аэродинамик тормоз берилганидан кейин парашют системаси ёрдами-да туширилди. Автомат станция билан илмий приборлар 22 сентябрда совет қилир; в-қутқарув хизмати кемаси-га чиқариб олинди.

«Зонд-5» автомат станцияси парвози вақтида:
— Ой атрофини айланиб тушди;
— Ой атрофидаги космик фазо илмий жиҳатдан тал-қик қилинди;

— иккинчи космик тезликда ерга қайтиб келиб белги-ланган районда юмшоқ қўндирилди.

Парвоз жараёнида станциянинг системалари ва агре-гатлари траекторияда маневр қилиш ва Ерга қайта-риш учун машқ қилириб кўрилди. Станция парвозини

бошқарувчи системалар ва параметрларни ўлчашнинг радиотехник воситалари ўртага қўйилган ваэифаларни ҳал этишни ташминлади.

Космик фазонинг илмий тадқиқ қилиш ва «Зонд-5» ав-томат станцияси системалари ва агрегатларини комп-лекс равишда синовдан ўтказиш программаси батамом бажарилди.

«Зонд-5» автомат станциясининг Ер-Ой-Ер трассаси бўйлаб муваффақиятли парвоз қилганлиги, у белгилан-ган районга қайтариб туширилганлиги совет фани ва техникасининг улкан муваффақияти бўлди. Янги илмий техника проблемаси ҳал этилди ҳамда автомат космик станциялар ёрдамида космик фазони ва кўёш систе-маси планеталарини бундан бўён тадқиқ қилиш ва тал-қикот материалларини Ерга қайтариб тушириш учун катта имкониятлар очилди.

„АДАБИЁТ ВА ҲОЗИРГИ ДУНЁ“
МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ



Республикамизнинг пойтахтида Тошкент конференциясининг ўн йиллигига бағишлаб ўтказиладиган симпозиумда жуда кўплаб мил-лат вакиллариининг ёзувчилари иштирок этишмоқда. Улар областимиз колхоз ва совхозларида бўлиб ўзбек деҳқонлари билан ҳамсухбат бўлмоқдалар. Суратларда: (юқоридан пастга) 1. Кениядан келган ёзувчи Джон Мванж; 2. «Галаба» борида ўтказилган қовуи сайли. 3. Х. Турсуновлар номи колхозда меҳмонларни қутиб олин- пайти. А. АБАЛАН фотолари.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кан-дидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг би-ринчи секретари Ш. Р. Рашидов Тошкентдаги «Адабиёт ва Ҳозирги дунё» халқаро симпозиумида иштирок этган таниқ-ли ёзувчиларни 21 сентябрда қабул қилди.

Ш. Р. Рашидов самимий дўстона суҳбат вақтида меҳмон-ларга республиканинг ҳаёти, унинг экономика ва маданиятни ривожлантиришидаги ютуқлари ҳақида гапириб берди. У халқ-аро симпозиум қатнашчиларга ишда муваффақият тилади. (ЎЗАТАГ).



Ҳамма номидаги ўзбек акаде-мик драма театри янги биносининг саҳнасини бозатиб турган эмблемада ер кўраси ва очилиб турган китобда беш қитъани ифодаловчи беш қўл бир-бирини маҳкам қисиб турганлиги акс эттирилган. Тошкентнинг энг чиройли кўча-ларидан бири бўлган ва Али-шер Навоий номи қўйилган кў-чада яқиндагина қад кўтарган мана шу янги бинода 21 сен-тябрда «Адабиёт ва Ҳозирги дунё» мавзуда халқаро симпо-зиум очилди.

Миллий меъморлик ва Ҳозир-га замон архитектурасининг энг яхши традицияларини ўзида акс эттирган шу бинода кўга кўрилган чет эл адблари бил-лан бирга мамлакатнинг ҳамма томонидан Тошкентга келган та-ниқли совет ёзувчилари ҳам тўпланишди. Залини лиқ тўлдир-иб ўтирганлар орасида Ўзе-бекистон яқинкор зиялиларининг ҳамма отрядлари вакиллари ҳам бор.

Мажлисни атоқли ўзбек ёзув-чиси ва жамоат арбоби, Осиё

ва Африка мамлакатлари ёзув-чилари билан алоқа қилувчи Совет Комитетининг раиси С. О. АЗИМОВ очди. У ўзи-нинг кириш сўзида бу симпо-зиумда Осиё, Африка, Европа, Америка ва Австралиянинг, худлас ер юзидagi беш қитъа-нинг мамлакатларидан келган меҳмонлар қатнашаётганлигини айтди.

Симпозиум ишда қатнашмоқ учун Осиё ва Африка мамла-катлари ёзувчилари билан ало-қа қилувчи Совет Комитети-нинг аъзолари, шунингдек Со-вет Иттифоқидаги барча қар-дош адабиётларининг вакиллари бўлган атоқли совет ёзувчилари-нинг катта гуруписи Тош-кентга келди. Ўртоқ Азимов халқаро симпозиум қатнашчи-ларининг ҳаммасини аалда тўп-ланганлар номидан, бутун ўз-бек халқи номидан қизгин ва самимий табриклар, Тошкент диёрида уларнинг самарали иш-лашларига истак билдирганида, бу табрик сўзларини ҳамма қар-сақлар билан қутиб олади.

ЯНГИ АСРНИНГ ЯНГИ РЕАЛИЗМИ

С. О. Азимов адабиёт билан замоннинг бир-бирига муноса-бати тўғрисида гапириб, айтди-ки, жаҳон тарихининг ҳозирги босқичидаги бадий тафаккур-нинг ривожланишида бўлган асосий йўлларни белгилаб бе-рувчи инқилаб энг катта тенде-нцияни ҳисобга олмаганимиз мумкин эмас. Прогрессив ада-биёт жамиятдаги илгор куч-ларнинг ҳаёти билан ва социал тараққиёт учун олиб бораёт-ган кураши билан узвий боғла-ниб ривожланиётган бўлса, ре-акцион адабиёт ҳамма қитъа-лардаги юз миллионлаб киши-ларни бениҳон қизиқтираётган актуал проблемалардан эъти-борини чалғитишга ҳаракат қил-моқда. Бу икки йўлнинг, ҳеч шубҳасиз, жуда кўп тармоқла-ри бор. Тинчлик ва социализм проблемаларига, Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқлари-нинг озодлик курашига муноса-

бат шу йўлларни бир-бирдан ажратувчи ва фарқ қилувчи ха-рактерли белги бўлиб турибди.

Реакцион адабиёт учун хо-ра-ал, мавҳум дунёга, шаклий экс-перимент соҳасига юз ўтириш тенденциясини ошқора ифода-ламоқда. Капитал дунёсининг адабиёти ва санъати учун ха-рактерли бўлган, ҳар хил мода ва ўта мода тусини олаётган оғимларга ҳаддан ташқари бе-рилиб кетиш мана шундан кели-б чиқмоқда. Бирок санъат-корнинг ижодида дунёпараст-нинг аҳамиятини камситиб, бу-нинг ўрнига интуицияни би-ринчи ўринга қўйиш шакл бил-лан маъмуний бир-бирига атайин қарама-қарши қилиб қўйиш, шаклий ўзига хос ва мустақил деб даъво қилиш аслини олган-да империалистик кучларнинг синфий манфаатларидан келиб чиқмоқда ва шу синф манфа-атларининг ҳалабини акс эт-

тирмоқда, бу эса идеология фронтдаги синфий кураш фор-маларидан биридир.

Шу сабабли реакция идеоло-гиясини фаш қилиб ташлаш, империалистик кучларнинг эсте-тини соҳасидаги назарияларни изчиллиқ билан ва чуқур та-ниқид қилиш ҳозирги замон-нинг энг ақтуал ваэифаларидан бири бўлиб қолди. Миллий мустақиллигини ва чинакам мил-лий санъатини бинобарин ҳа-лоқда бой ва прогрессив тен-денцияларга ва ўзининг истиқ-болига эга бўлган империали-стик санъатини ҳам ўзини тоғ-туз надран деб билган овоз халқларнинг адабиётини ва санъатини мана шу ваэифага ҳал қилмай туриб, чинакам эр-кин, ҳақиқатан самарали ри-вожлантиришни ҳам ташминлаб бўлмайди.

Ҳамма қитъалардаги халқлар миллий санъати ва адабиётининг мана шу истиқболи соци-ал тараққиёт идеаллари бил-лан, меҳнат аҳлининг револю-цион кураши билан ҳамбарчас боғланган. Социализм мамла-катларида, айниқса меҳнат мамлакатларида янги санъатни, илгор адабиётни ривожланти-риш тажрибаси шунинг яққол кўрсатиб турибдики, фақат улуг социализм идеалларини миллий заминга томир отган ва халқ турмуши билан узвий боғ-ланган янги маданиятнинг рав-нақи учун зарур шарт-шароит яратиб беради.

Миллий мустақиллик ва та-раққиёт йўлига тушиб олаёт-ган, озодликка эришаётган бар-ча халқлар учун бу тажриба, бизнинг фикримизча, жуда кат-та аҳамиятга эга.

Социалистик ҳамдўстлик мам-лакатлари халқларининг ва, ав-вало, Совет Иттифоқи халқ-ларининг адабиёти ва санъати ҳозирги замон прогрессив санъатининг энг яхши ҳислатла-рини гоят тўлиқ ифодаловчи социалистик реализм адабиёти ва санъатидир.

Социалистик реализм санъ-атининг мана шу сифатларни тўғрисида гапиришда, аввало, воқеанин ҳамада унинг асосий

тенденцияларини ҳаққоний акс эттириш санъаткорнинг илгор дунёқарашга ва шунга асослан-ган позицияга эга бўлиши би-ринчи галда зарур эканлигини кўрсатиб ўтиш керак. Бу по-зиция эса адабиёт ва санъат-нинг бидирувчилик даражаси-ни белгилаб беради, унинг юк-санг ижтимоий, мураббийлик ваэифасини бажарётган ҳаёт дарслиги бўлишини белгилаб беради. Янги санъатнинг ҳақ-қоний, инсонпарварлиги ва интернационализи, юксак эсте-тик даражаси, яъни унинг бир-бирига ҳамбарчас боғлиқлиги, бир бутун ҳолида олинган ҳамма белгилари шунга жумласига ки-ради. Шу тўғрйлик социалистик реализм адабиёти ва санъати-нинг бутун инсониятнинг бадий ривожланишидаги янги сифат-ларга эга бўлган янги қадам дейишга ҳаққимиз.

Социалистик реализм услуб-лар, оқимлар, мактаблар, ҳар бир ёзувчининг ўзига хос юко-дий хусусиятларининг ривожла-ниши учун ҳечқандай майдон очиб беради ва миллий санъатининг энг яхши традицияларига та-янади. У бутун дунё прогрессив санъатининг ривожланиши бил-лан бирга ривожланади. Шу са-бабли буржуазия эстетикаларининг социалистик реализмни эскириб қолган метод деб, эълол қилишга уринишлари учун ҳеч қандай асос йўқ ва бундай уринишлар илмий та-ниқда бардош беролмайди. Со-циалистик реализм янги аср-нинг янги реализмидир.

(Охири иккинчи бетда).

ФАХР-
ЛАНАМИЗ

Сабот-матонат билан комму-нистик жамият кураётган хал-қимизнинг шонли ишлари со-номасига яна бир зарфак саҳи-фа қўшилди. Бу, совет фани ва техникасининг яна бир оламшум-ул тарихий ғалабасидир. Олимларимиз, конструкторла-римиз, ишчиларимизнинг фи-докорона меҳнати, ақл-закова-ти ва иқидий изланиши маҳсу-ли бўлган «Зонд-5» космик ап-паратни Ойни айланиб ўтиб, Ерга юмшоқ қўнди.

Биз шахтёрлар бу катта ил-мий насорат билан ҳақли су-ратда фахрланамиз. Яна бир космик аппарати конитот узра учириб, жуда ҳам мураккаб ва муҳим илмий тадқиқот ишлари-ни амалга оширишга муваффақ бўлган коллективларини чин қалбимиздан олқийлаймиз. Уларга мамлакатимиз шон-шухратини ошириш, донгини олам узра трататиш йўлида олиб бораётган ва космос сир-ларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган ишларида янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Х. АЛИҚУЛОВ,
Оҳангарондаги қўмир раз-резининг экскаватор маши-ништи.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
ЎЗАЛАРИНИ ДЕФОЛИАЦИЯ
ҚИЛИШНИНГ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА

23 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Дефолация қилинган майдон	Маъмурийят нисбатан процент ҳисобида
Оққўрғон	48095	111.8
Бўёна	55754	109.3
Ўрта Чирчиқ	32956	96.9
Юқори Чирчиқ	7200	92.3
Бенобод	23756	84.8
Янгиёул	25073	71.6
Оржоникидзе	300	41.6

Область бўйича: 193334 96.7

356.000
тонна пахта учун

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАВЕРЛАШНИНГ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА

23 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Пахта таверлаш		Машина терими	
	Бир кунда	Маъсум бошдан бери	Бир кунда	Маъсум бошдан бери
Оққўрғон	2.52	9.24	2.88	9.94
Бенобод	1.30	8.40	1.30	5.28
Янгиёул	1.20	7.43	0.67	1.97
Бўёна	1.80	7.40	1.84	6.20
Юқори Чирчиқ	0.78	2.45	0.50	0.76
Ўрта Чирчиқ	1.17	2.43	1.40	2.23
Оржоникидзе	—	—	—	—
Область бўйича	1.58	6.69	1.74	5.50

ХАҲОЙДА ТРЕВОГА

Варшаванинг илк кузи, Мажақланган даргоҳим Унутмаган... Дилни тирнар у йиллар. Мен, Хаёйда эшитдим, Тревога овозин, — Сиреналар қайтадан Қичиради ва бир зум У ярам эслатар ўзин. Тўғри нотинч ҳислар, Ажал пурқаб шундан... Турбиялар чичирар... Қалдирғолар чўчага, Паяжа ёзар қалхатлар

Қўркам кўча устида, Худди тинганди ҳаёт, Жимжитди нотинч Хаёй. Кўтар сигнални бот-бот. Ўзди чорак аср, давр... У жанговар мард Хаёй, Келтирар яна у Варшавани Елмага. Яна бўкиб қадимия, Ўтаман парчалланган Пора тошлар бағридан. Харобалар ниграйди, Варшаванинг муқаддас Тошларини эслатар.

Леопольд ЛЕВИН
поляк шоири, таржимон,
Осиё ва Африка ёзувчилари
Тошкент симпозиумининг
қатнашчиси.

Едга келар қайтадан
Гуддирган жаҳаннам,
Жанговар дўстларим
Кўҳна қўлақчалари
Чоррақалар четидан
Ўтган бўлади шу ои.
Едга келар қайтадан
Дуч келишиб урушга
Иккинчи бор бўлмоқда
Улар Хаёйда қурбон.

Русчадан НАЗАРМАТ
таржимаси.



(УЗТАГ).

